

**Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус
таълим
вазирлиги**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

«Молиявий менежмент» факултети

«Корхона даромадлари, харажатлари ва фойда»

Реферат

**Бажарди: ХБА 56 гуруҳ
Салимбеков Б .**

Қабул қилди: Мусаев А.

Тошкент-2013

Корхона даромадлари, харажатлари ва фойда

Режа:

- 1. Корхона фаолиятининг молиявий натижаларини шаклланиши.**
- 2. Асосий фаолиятдан олинган фойда зарарлар**
- 3. Асосий фаолиятдан ташқари олинган даромадлар.**
- 4. Молиявий натижаларни бошқариш.**

1. Корхона фаолиятининг молиявий натижаларини шаклланиши.

Хар бир корхона уз фаолиятини олиб боришидан асосий мақсад бу-фойда олишдир. Даромадлар, харажатлар, фойда ҳамда зарар тушунчаларининг кўйдаги таърифлари мавжуд:

Даромадлар – бу субъектнинг хўжалик фаолияти натижасида, одатда, ижара ҳақи, фоизлар, лицензия тўловлари ва дивидентлар шаклида даромад келтирадиган фаолият, яъни товарларнинг сотилиши, хизматларнинг кўрсатилиши ёки бошқа шахсларнинг хўжалик суюбъектининг ресурсларидан фойдаланиши натижасида активларнинг келиб тушиши ёки мажбуриятларнинг камайиши орқали рўй берадиган иқтисодий ресурсларнинг кўпайишидир.

Харажатлар – бу активларнинг камайиши ёки фойдани кўпайтириш мақсадида хўжалик фаолиятдан келиб чиқадиган мажбуриятларни ўз зиммасига олиш орқали рўй берадиган иқтисодий ресурсларнинг камайишидир.

Фойда – бу хўжалик субъектига таъсир этадиган асосий ва асосий бўлмаган фаолият, ҳодисалар, шароитлар капиталининг кўпайиши бўлиб, хусусий капиталга тўланадиган бадаллар бундан мустаснодир.

Зарарлар – бу асосий фаолият ва барча бошқа операциялар, ҳодисалар, шароитлар натижасида хусусий капиталнинг камайиши бўлиб, харажатлар ёки хусусий капиталнинг тақсимланиши натижасидаги камайиш бундан мустаснодир.

Даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги маълумотлар «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» таркибида акс этирилиб, улар хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг ҳисобот даврдаги молиявий натижаларининг фойда ёки зарар эканлигини аниқлаш учун ишлатилади. Фойда (зарар) даромадлар ва харажатларни бир-бири билан солиштириш натижасида аниқланади, яъни:

Даромадлар – харажатлар = фойда (зарар).

Молиявий натижаларни аниқлаш тартибини талабага тушунтириш учун, бизнинг назаримизда, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да акс этирилиувчи кўрсаткичларнинг шаклланиш тартибини кўриб чиқиш керак.

«Молиявий натижалар тўғрисидаги» ҳисоботда даромадлар, харажатлар, фойда ва зарарлар хўжалик юритувчи субъектларнинг кўйидаги фаолият соҳалари бўйича акс этирилади.

- асосий фаолият;
- инвестицион фаолият;
- молиявий фаолият.

Ўзбекистон Республикаси «Асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар» номли 2 – бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида даромадларга кўйидагича таъриф берилган:

«Ушбу стандартда даромад дейилганда хўжалик субъектлари оддий фаолияти давомида олинган даромадлар, шу жумладан, маҳсулотни сотиш (ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш)дан олинган даромадлар, олинган фоизлар, дивидентлар, роятилар ва бошқалар тушунилади». (Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандартилари, Тошкент, 2002 й., 38-бет).

Асосий фаолият юзасидан даромад ва харажатларни акс этириш маҳсулот ёки товар сотувчи корхоналарда хизмат кўрсатувчи ташкилотларга нисбатан фарқ қилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан шуғулланувчи корхоналар ўзининг анна шу асосий фаолиятини юритиши учун 2 йўналишда харажатларни амалга оширадидлар:

- 1) маҳсулот ишлаб чиқариш учун;
- 2) умуман асосий фаолиятни ташкил қилиш, бошқариш ҳамда унга хизмат кўрсатиш юзасидан.

Товарлар сотиш билан шуғулланувчи фирмаларда ҳам товарларни харид қилиш учун ҳамда уларни сотиш билан боғлиқ операцион фаолият бўйича харажатлар юзага келади.

Шу сабабли, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда асосий фаолият бўйича учта элемент ўз аксини топади:

- 1) маҳсулот сотишдан ялпи фойда;
- 2) сотилган маҳсулот таннархи;
- 3) операцион харажатлар.

«Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» шаклида даромадларни акс эттирувчи дастлабки кўрсаткич бу маҳсулот (ёки товарлар) сотишдан (хизматлар кўрсатиш, ишлар бажаришдан) ялпи тушумлардан. Ҳисоботнинг бу кўрсаткичи маҳсулот сотишдан ялпи тушумдан товарларнинг қайтарилиши ва харидорларга берилган чегирмаларни айриб юбориш орқали аниқланади. Даромадлар тушунчасининг таърифига мос равишда бу сатр орқали асосий фаолият натижасида олинган тушу макс эттирилади.

«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» шаклида харажатларни акс эттирувчи дастлабки кўрсаткич бу сотилган маҳсулотлар (товарлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар) таннархи бўлиб, бу кўрсаткич сотилган маҳсулотлар (товалар ёки кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар) учун ишлаб чиқарувчи томонидан қилинган харажатларни англатади.

Маҳсулот сотишдан олинган ялпи тушум суммасидан сотилган маҳсулот таннархи суммасини чегириб юборилса, маҳсулот сотишдан ялпи фойда (зарар) кўрсаткичи келиб маҳсулотини уни ишлаб чиқариш учун кетган харажатларга нисбатан қимматроқ нархда сотиши керак бўлади. Олинган ялпи фойда ҳисобига корхонанинг операцион харажатлари ҳам қопланиши кўзда тутилиши керак. Шунини инобатга олган ҳолда ҳисоботда асосий фаолиятдан фойдани аниқлаш учун маҳсулот сотишдан ялпи тушум суммасидан операцион харажатлар чегириб юборилади. Операцион харажатлар таркибига маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатлар, маъмурий ва бошқа операцион харажатлар киритилади.

Хўжалик юритувчи субъект учун учала кўрсаткич ҳам яъни сотишдан ялпи, тушум, сотилган маҳсулот таннархи ҳамда операцион харажатлар, муҳим аҳамиятга эгадир, чунки маҳсулот сотишдан тушумни ўстиришнинг ўзигина фойда суммасининг кўпайишига олиб келмоқда. Фойда кўп бўлиши учун операцион харажатларни имкон қадар камайтириш ҳам талаб этилади. Албатта, маҳсулот таннархини пасайтириш йўллари топилиши ҳам кўзда тутилиши керак.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда молиявий фаолият бўйича олинган натижалар алоҳида акс эттирилади. Улар жумласига даромадлар сифатида олинган дивидентлар, фоизлар, молиявий ижара даромадлари, валюта алмашинув курсларидаги ижобий ҳамда харажатлар сифатида эса тўланган живидендлар, фоизлар, молиявий ижара тўловлари, валюта алмашинув курсларидаги салбий фарқлар киради. Молиявий фаолият бўйича даромадлар ва харажатларнинг алгебраик йиғиндиси молиявий фаолият бўйича фойда ёки зарарни кўрсатади.

Асосий ва молиявий фаолият натижалари йиғиндиси хўжалик юритувчи субъектлар умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарар кўрсаткичи сифатида акс эттирилади.

1. Корхоналар молиявий – хўжалик фаолиятининг муҳим кўрсаткичи бўлиб даромадлар ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг моҳияти, таснифи ва тавсифи республикада қабул қилинган қўйидаги меъёрий харажатларда атрафлича очиб берилган:

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (16 молда);
- БҲМС «молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун концептуал асоси»
- 2 – сон БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятдан лониган даромадлар».
- «Маҳсулот (иш, хизмат)ларини ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом».

Ушбу меъёрий ҳужжатларга мувофиқ даромад деганда, умумий олганда, ҳисобот даврида корхона активларини кўпайиши ёки унинг мажбуриятларини камайиши тушунилади. Корхоналарнинг барча даромадлари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кдексига 13 та турга бўлинган (16 молда), 2 сон БХМСда Ушбу турдаги даромадлар иккита катта гуруҳга, яъни асосий фаолиятдан олинган даромадлар ва асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадларга, ажратилган.

2. Асосий фаолиятдан олинган фойда ва зарарлар.

Асосий фаолиятдан олинган даромадлар деганда корхона уставида белгиланган асосий фаолиятдан олинган даромадлар тушунилади. “Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари тартиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ корхоналарнинг асосий фаолиятдан олинган даромадлари, ўз навбатида, ўз навбатида, кўйидаги икки гуруҳга ажратилади:

Асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар деганда бевосита асосий фаолиятга таалуқли бўлмаган фаолият турларидан олинган даромадлар тушунилади. Бундай даромадлар Низомга мувофиқ молиявий фаолиятдан олинган даромадларга ва фавқулотдаги даромадларга бўлинади.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар деганда қимматли қоғозлар, валюта операциялари, кредит ва қарзларни беришдан олинган даромадлар тушунилади. Буларга роялти, дивидентлар ва фоизлар, ижобий курч фарқлари кўринишидаги даромадлар ва бошқалар кириди.

Фавқулотдаги даромадлар деганда юз бериши характериға эға бўлмаган, кутилмаган тасодиф ва ҳодисалардан олинган даромадлар тушунилади. Буларға давлат қонунларини ўзгариши, табиий офатлар, революцион ўзгаришлар натижасида вужудға келган даромадлар кириди.

Корхона даромадлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб кўйидагилар ҳисобланади:

- Даромадларни ҳисоблаш тамойиллиги счётларда акс эттириш;
- Даромадларни солиқларға муносабатини тўғри белгилаш;
- Даромадларни молиявий ҳисоботда тўғри акс эттириш ва бошқалар.

Сотишдан олинган даромадларнинг ҳисоби:

Товарларни сотишдан олинган даромадлар асосан улгуржи ва чакана савдо корхоналарида, шунингдек ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини фирма магазинлари орқали сотадиган ишлаб чиқариш корхоналарида ишлатилади.

Бажарилган ишлар ва хизматлардан олинган даромадлар асосан қурилиш ташкилотлари ва хизмат соҳаси корхоналарида, шунингдек асосий фаолиятдан ташқари и шва хизматлар кўрсатувчи бошқа турдаги корхоналарда ишлатилади.

Асосий фаолиятдан олинган кўшимча даромадларнинг ҳисоби. Асосий воситаларнинг чиқимидан олинган фойда корхоналар ўзларининг асосий воситаларини сотишдан ва бошқа чиқимларидан олган фойдасини ҳисобға олишда фойдаланадилар.

Бошқа активларни чиқимидан олинган фойда корхоналар ўзларининг турли бошқа активларини, масалан материалларини, хўжалик инвентарларини, номоддий активлари ва бошқа активларини сотишдан ва бошқа чиқимларидан олган фойдасини ҳисобға олишда фойдаланадилар.

Ўндирилган жарималар, пенялар ва неустойкалар турли хўжалик шартномалари шартларини бузилиши натижасида, шунингдек кўрсатилган зарарларни қопланиши эвазига олинган даромад (фойда) суммаси акс эттирилади.

Ўтган йиллар фойдаси ҳисобот йилда аниқланган ўтган йилларнинг фойдаси акс этирилади.

Қисқа муддатли ижарадан олинган даромалар қисқа муддатли ижарадан олинган даромад корреспонденциялашган ҳолда акс эттирилади.

Кредиторлик ва депонентлик қарзларни ҳисобдан чиқарилишидан олинган даромадлар муддатида (3 йилдан ошиқ муддатда) ўндириб олинмаган қарзларни корхона фойдасига ўтказишдан олинган даромадлар.

Хизмат қилувчи хўжаликлардан олинган даромадлар асосий фаолиятга хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан (соғлиқни сақлаш бўлинимаси, сарторошхона, кутубхона, болалар боғчаси ва бошқа муассасалари, санаторийлар, ошхона, меҳмонхона, спорт комплекслари ва бошқалар) олинган даромадлар акс эттирилади.

Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам турли юридик ва жисмоний шахслардан қайтариб бермаслик шarti билан олинган молиявий ёрдам суммалари акс эттирилади.

3. Асосий фаолиятдан ташқари олинган даромадлар.

Бошқа операцион даромадлар турли қоплама суммалар ва бошқалар, акс эттирилади.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларнинг ҳисоби. 21 – сон БҲМСга мувофиқ молиявий фаолиятдан олинган даромадлар кўйидаги счётларда ҳисобга олинади:

- 9510 «Роялти кўринишидаги даромадлар»
- 9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар»
- 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар»
- 9540 «Валюта курслари фарқларидан олинган даромадлар»
- 9550 «Узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар»
- 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар»
- 9590 «Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар»

Роялти кўринишидаги даромадлар деганда корхоналарнинг номоддий активларини. Масалан компьютерлар учун дастурлар таъминотини, лицензиялар ва бошқаларни ижарага беришдан ва ҳамкорликда фойдаланишдан олинган даромадлар тушунилади. Ушбу даромадларни ҳисобланиши 4850 «Олинадиган роялти» счётнинг дебетиди ва 9510 «Роялти кўринишидаги даромадлар» счётининг кредитиди акс эттирилади. Йил охирида 9510 счётнинг кредитиди тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 «Охириги молиявий натижа» счётининг кредитига ёзилади ваш у асосда у ёпилади.

Дивидендлар - бу акцияларга киритилган молиявий инвестициялар учун ҳисобланган даромад. Ушбу даромадни ҳисоблашга асос бўлиб акционерлик жамиятининг дивидентнинг ҳисобланганлиги тўғрисидаги ёзма хабарномаси ҳисобланади. Ушбу хабарномада жами ҳисобланган дивиденд суммаси, ундан ушланган дивиденд солиғи суммаси ва тўланадиган дивиденд суммаси акс эттирилади. Агар хабарномада дивиденд солиғини ушланмаганлиги ўқитилган бўлса, у ҳолда Ушбу солиқни дивиденд олган корхона тўлаши лозим. Ҳисобланган дивиденд кўринишидаги даромадлар 4840 «Олинадиган дивидендлар» счётнинг дебетиди ва 9520 «Дивиденд кўринишидаги даромадлар» счётининг кредитиди акс эттирилади. Йил охирида 9520 счётининг кредитиди тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 «Охириги молиявий натижа» счётининг кредитига ёзилади ваш у асосда у ёпилади.

Фоизлар кўринишидаги даромадлар деганда бошқа юридик шахсларга берилган қарзлар ва кредитлар учун ҳисобланган фоизлар тушунилади. Ушбу фоизларнинг миқдори тузилган шартномалар асосида ҳисобланади. Фоиз кўринишидаги ҳисобланган даромадлар 4830 «Олинадиган фоизлар» счётининг дебетиди ва 9530 «фоизлар кўринишидаги даромадлар» счётининг кредитиди акс эттирилади. Йил охирида 9530 счётининг кредитиди тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 «Охириги молиявий натижа» счётининг кредитга ёзилади ваш у асосда у ёпилади.

Валюта курслари фарқларидан олинган даромадлар деганда корхонанинг валюта счётида сақланаётган чет валютаси ва чет Эл валютасидаги дебиторлик қарзлар бўйича ҳисобланган ижобий курс фарқлари тушунилади. Ушбу даромад ҳар ойнинг охирида 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «чет элдаги валюта счётлари», 4000 «Олинадиган счётлар», 4300 «Таъминотчи ва пудратчиларга берилган бўнақлар ҳисоби

счётлари» ва бошқа чет Эл валютасида ҳисоби юритилган дебиторлик қарзлар счётлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эълон қилган курслар асосида ҳисобланади. Ҳисобланган ижобий курс фарқлари бқорида келтирилган счётларнинг дебитида ва 9540 «Валюта курслари фарқларидан олинган даромадлар» счётининг кредитида акс этирилади. Йил охирида 9540 – счётининг кредитида тўпланган сумма унинг дебитида ва 9900 «Охирги молиявий натижа

Счётининг кредитига ёзилади ваш у асосда у ёпилади.

Узоқ муддатли ижарада олинган даромадлар деганда мулкни бир йилдан кўп муддатга ижарага беришдан олинган даромадлар тушунилади. Ушбу даромаднинг суммаси тузилган лизинг (ижара) шартномаси асосида ҳисобланади. Ҳисобланган даромад суммаси 4830 «Олинадиган фоизлар

, 6230 «Бошқа муддати узайтирилган даромадлар» счётининг дебитида ва 9550 «Узоқ муддати ижарадан олинган даромадлар» счётининг кредитида акс этирилади. Йил охирида 9550 счётининг кредитида тўпланган сумма унинг дебитида ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счётининг кредитига ёзилади ваш у асосда у ёпилади.

Қимматли қоғозларни қайта баҳолашда олинган даромадлар деганла узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар қийматини ошириш натижасида вужудга келган даромадлар тушунилади. Дундай даромадлар қайта баҳолаш далолатномалари асосида ҳисобланади. Ҳисобланган даромад суммаси 0600 «Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби счётлари», 5800 «Қисқа муддатли инвестициялар ҳисоби счётлари»нинг дебитида ва 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар» счётининг кредитида акс этирилади. Йил охирида 9560 счётининг кредитида тўпланган сумма унинг дебитида ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счётининг кредитига ёзилади ваш у асосда у ёпилади.

2. Сотишдан олинган фойда ёки зарар (Фс) ёки (Зс)

Фс (Зс)- ст – Тс. Мос равишда

Фс = агар Ст > Тс, Зс = агар Ст < Тс

Бу ерда : Ст соф тушум. Тс – сотиш таннарихи

4.Молиявий натижаларни бошқариш.

Асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар (Фаф) ёки (Заф)

Фаф (Заф) = Фс (Зс) - Дх+Бод

Бу ерда: Дх – давар харажатлари; Бод – асосий фаолиятдан олинган бошқа операцион даромадлар.

3. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарарлар (Фух) ёки (Зух)

Фух (Зух) = Фмф – Змф

Бу ерда **Фмф** – молиявий фаолиятдан олинган фойда;

Змф – молиявий фаолиятдан кўрилган заралар

3. Солиқгача фойда ёки зарарлар (Фст) ёки (Зст)

ФСТ (Зст) = Фух (Зух) + Фф – Фз

Бу ерда **Фд** – фавкулотдаги фойда; **Фз** – фавкулотдаги зарарлар

4. соф фойда ёки соф қопланмаган зарарлар (Сф) ёки (СЗ)

Сф (СЗ) = Фст (Зст) – Дс – Аж

Бу ерда: **Дс** – даромаддан олинадиган солиқлар (фойда солиғи, инфраструктурани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ);

Аж – фойдадан бошқа ажратмалар

«Маҳсулот» (иш хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» га мувофиқ юқорида келтирилган фойда

(зарар) кўрсаткичларидан ташқари солиқга тортиш мақсадида яна иккита кўйидаги фойда кўрсаткичи ҳисоблаш йўли билан топилади.

- Солиқга тортиладиган даромад (**Стд**)

$$\text{Стд} = \text{Фст} (\text{Зст}) + \text{Стх} + \text{Сбх} - \text{Счх} - \text{Д} - \text{Ф}$$

Бу ерда **Стх** – солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган харажатлар;

Сбх – ҳисобот даврида солиқ базасидан чегирилмайдиган, лекинда келгусида чегирилиб бориладиган харажатлар;

Счх – солиқ базасидан ҳисобот даврида чегириладиган харажатлар;

Д - олинган дивидентлар;

Ф- олинган фоизлар

Солиқга тортиладиган фойда (**Стф**) – бу солиқга тортиладиган даромаддан фойда (даромад) солиғини ҳисоблаш учун имтиёз сифатида чегириб ташланадиган харажатларни айиргандан кейин қоладиган фойда суммаси, яъни:

$$\text{Стф} = \text{Стд} - \text{И}$$

Бу ерда : **И** – имтиёз сифатида солиқга тортиладиган даромаддан чегириладиган харажатлар.

21 – сон БҲМСга асосан ҳисобот йилнинг фойдасини ишлатилиши «Фойдани солиқлар ва тўловлар учун ишлатилиши ҳисоби счётлари» да акс эттирилади. Ушбу актив счётнинг дебетида йил мобайнида фойда (даромад)дан ундирилган солиқлар, жумладан фойда (даромад) солиғи, инфроструктурани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ, ялпи тушумдан ягона солиқ акс эттирилади. Бунда Ушбу солиқлар бўйича бюджет олдидаги қарзларни ифодаловчи 6400 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар ҳисоби счётлари» (мос равишдаги счётлар) кредитланади.

Фойда (даромад) солиғи (**Нф**) суммаси корхонанинг солиққа тортиладиган фойдаси суммасини (**Стф**) солиқ меъёрига (**См**) кўпайтириб ва 100% га бўлиш билан топилади, яъни:

$$\text{Нф} = \text{Стф} \cdot \text{См} : 100\%$$

Инфраструктурани ривожлантириш солиғи (**Нинф**) суммасини топиш учун солиқгача фойда суммасидан (**Сфт**) фойда солиғи суммаси (**Нф**) чегирилади, топилган сумма ушбу солиқ меъёрига (**См**) кўпайтирилади ва 100% га бўлинади, яъни:

$$\text{Нинф} = (\text{Сфт} - \text{Нф}) \cdot \text{См} = 100\%$$

Корхона солиқ тўлашнинг ихчамлаштирилган тизимида (ягона солиқ, ялпи тушумдан ягона солиқ) ишлаётган бўлган ҳолларда Ушбу солиқларни суммаси Солиқ Кодекси ва ҳаракатдаги йўриқномаларга мувофиқ ялпи тушум (ялпи даромад) суммасини Ушбу солиқларнинг белгиланган меъёрларда кўпайтириш йўли билан топилади.

Йил охирида 9800 – счётнинг дебетида тўпланган солиқ тўловларининг суммалари унинг кредитида ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счётининг дебетида акс эттирилади ва шу асосда фойданинг ишлатилиши ҳисоби счётлари ёпилади.

9900 «Охирги молиявий натижа» счётига фойдани ишлатилиши ҳисоби счётини, яъни 9800 – счётини, ёпилиши билан корхонанинг ҳисобот йил якуни бўйича соф фойдаси (қопланмаган зарари)ни аниқлаш имкони бўлади. Бунинг учун 9900 – счётнинг дебет ва кредит обороти такқосланади. Ушбу счётнинг кредит оборотини дебет оборотидан катта бўлиш корхонанинг соф фойдасини, кредит оборотидан дебет оборотининг катта бўлиши корхонанинг қопланмаган соф зарарини билдиради.

Аниқланган соф фойда суммаси 9900 – счётнинг дебетида ва 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси(қопланмаган зарари)» счётининг кредитига ўтказилади. Йил якуни бўйича зарар билан чиқилган бўлса, Ушбу зарар суммаси 9900 – счётнинг кредитига ва 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётининг дебетида ўтказилади. Ушбу ёзувда 9900 «Охирги молиявий натижа» счёти тўлиғича ёпилади.

Ҳисобот йили охирида 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётида акс эттирилган соф фойда (қопланмаган зарар) тақсимланиши ёки тақсимланмай қолиши мумкин. Бундай тақсимоти амалга ошириш корхонанинг мулки ва ташкилий шаклига бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Ўртоқчилик жамиятларида, масалан, маъсулияти чекланган жамиятларда, қўшма корхоналарга, хусусий корхоналарда, уларнинг устави ва таъсис шартномалари талабларидан келиб чиққан ҳолат ҳисобот йилнинг соф фойдаси (қопланмаган зарари) таъсисчилар йиғилишининг қарорига асосан тақсимланиши ёки тақсимланмасдан корхона ихтиёрига жамланган фойда (қопланмаган зарар) ҳисобига қолдирилиши мумкин. Бу типдаги корхоналарда таъсисчилар йиғилиши қарорига асосан ҳисобот йилнинг соф фойдасини тақсимлаш қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

- *Таъсисчиларга дивиденд (фоиз) кўринишида бўлинган соф фойда суммасига*
Дебет 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»
Кредит 6610 «Тўланадиган дивидендлар»;
- *Корхонанинг резерв капиталига ажратма суммасига*
Дебет 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»
Кредит 8520 «Резерв копитали»;
- *Ҳисобот йилнинг тақсимланмай қолган соф фойдаси ўтган йилларнинг жамланган фойдасига қўшилса.*
Дебет 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»
Кредит 8720 «Жамланган фойда (қопланмаган зарар)».

Агар ўртоқчилик жамияти ҳисобот йили якуни бўйича зарар билан чиққан бўлса, Ушбу зарар суммаси 8720 «Жамланган фойда (қопланмаган зарар)» счётининг дебетига ўтказилади, яъни:

- Дебет 8720 «Жамланган фойда (қопланмаган зарар)»
Кредит 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

Шундай қилиб, ўртоқчилик жамиятларида ҳисобот йилнинг охирига 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти тўлиғича ёпилади ва Ушбу вақтинчалик (танзит) счёт қолдиқга эга бўлмайди.

Акционерли жамиятларида 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётида тўпланган фойда ёки зарар суммасини акционерлар йиғилиши қарорисиз тақсимлаб бўлмайди. Ўзбекистон республикаси қонунларига мувофиқ акционерлик муофиқ акционерларнинг умумий йиғилишлари келгуси йилнинг май ойигача ўтказилади. Шу сабабли акционерлик жамиятларида 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётида тўпланган фойда ёки зарар суммаси келгуси йилга қолдиқ сифатида ўтказилади, у фақат ҳисобот йили фойдаси (зарари) тақсимланган ёпилади.

Бошка операция харажатлар.

Бошка операция харажатларига қуйидагилар киради:

1. Кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта-тайёрлаш харажатлари, янги ташкил этилаётган хужалик юритувчи субъектга ишлаш учун нормалар доирасида ва улардан ортиқча кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бундан мустасно.

2. Маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳақ тулаш.

3. Аудиторлик хизматларига ҳақ тулаш шу жумладан хужалик юритувчи субъектнинг катнашчиларидан (мулкдорлардан) бирининг ташаббуси бўйича ўтказиладиган аудиторлик ҳақ тулаш.

4. Ўзининг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларни сақлашдан кўрилган зарарлар.

5. Саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита катнашувчи билан боғлиқ бўлмаган дам олишларни ташкил этиш тадбирлари.

6.Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлмаган ишлар (хизматлар) ни (шаҳар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш ва бошқа хил ишларни) бажариш харажатлари.

7.Компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар.

8.Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига кўра компенсация тўловлари.

9.Вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотган тақдирда қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳақиқий иш ҳақи миқдорича қўшимча ҳақ.

10.Икки ва ундан кўпболалари ёки ўн олдти ёшгача ногирон боласи бўлган аёллар қонунчиликка мувофиқ қўшимча меҳнат таътили ҳақини тўлаш.

11.Ходимларга товарлар, маҳсулотлар ва бошқа нарсаларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш.

12.Иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар.

13.Қонунчиликка мувофиқ болани икки ёшга тўлгунича парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақани тўлаш бўйича харажатлар.

14.Ходимларга тўланадиган моддий ёрдам.

15.Банк ва депозитарий хизматларига тўловлар ва бошқа тўловлар операцион харажатларга киради.